



4 - 0496

ЖОЛТҚ СЎЗ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 март, чоршанба, 1996 йил
Сотувида эркин нархда. № 60 (1313)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 март куни Буюк Британиянинг «Лонро» компанияси президенти ва бош ижрочи директори Дитер Бокни қабул қилди.
Ўзбекистон раҳбари дунёга машҳур ва илғор замонавий технологияга эга «Лонро» компанияси билан ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланаётганини қайд этди. Бугун эса ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳаёtgа жорий этиш жараёнини тезлаштириш ҳар икки томон учун ҳам фойдали-



қолатхоналарига эга. 1994 йили Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси «Лонро» компанияси билан ҳамкорликда олтин қазиб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

дир, деб таъкидлади Президент.
Тоғ-кон саноати, хусусан, олтин қазиб олиш,

нефт ва газни қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда кенг фаолият кўрсатадиган

«Лонро» гуруҳига 900 га яқин компания кирди ва у жаҳондаги 80 дан зиёд мамлакатда ўз ва-

Суҳбат чоғида қўшма лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ва уни амалга ошириш ишларини жонлангириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабулда Ўзбекистон Бош вазيري Уткир Султонов иштирок этди.

СУРАТДА: қабул пайти.
А. Турев таъсирга олган. (У.А.)

Акк-садо

Маълумки, сўнгги пайтларда айрим мамлакатлар оммавий-ахборот воситаларида собиқ иттифоқни қайта тиклаш, Россия Давлат думасининг ушбу масалалардаги қарори, МДҲга аъзо мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатларaro шартномалар имзоланишига тайёранайетгани, «конфедерация», «федерация иттифоқ» каби турли-туман фикрлар, сан-сўзлар кўп такрорланмоқда. Шу боис юртбошимиз халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессияси, Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин номига йўллаган мактуб ҳамда УА мухбири саволларига берган жавобларида Ўзбекистоннинг маъмур масалаларга муносабатини қатъий ҳамда батафсил баён қилди. Бу эса, табиийки, мамлакат фуқаролари ҳамда зиёллиричи бефарқ қолдирмади.

Абдулла ОРИПОВ: ЙЎЛИМИЗДАН ЧАЛГИМАЙМИЗ

Истиёдолди, жулуддан, унинг соғиб булган ижодкори халқ дарди, оруз-армонлари заминда ундайдиган чечмак менга эрдилар. Шу маънода севимли шогиримиз Абдулла Орипов мустабид тўғри даврида халқимизнинг истиқлолга, ҳурликка интилиши, унинг зағу ниъатлари ифодачиси бўлиб майдонга келганини билдимиз. Бугун содд мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обур-эътибори кун сайин ортиб, ислохотлар йўлида илк муваффақиятларга эришялган пайтда МДҲдаги айрим сиёсий куялар собиқ иттифонни қайтадан тиклаш, мустақиллигини қўлга киритган халқларни «чўқурироқ» интеграцияга иксийб остида яна алоқадор иттифок ёқда конференцияга аъзо қилиш ҳамда турли фикрлар биндирайтилар. Елз севимли адибимизнинг бундай қарашлари муносабати билан қизиқдик.

яратишга киришдилар. Ана шундай бир пайтда айримларнинг яна собиқ империяни қўсаветгани кишини гоят ажаблантиради.
Бундай «мехрибонлар»нинг албатта, ўз мўжзали бор. Иттифоқни тиклашга даъват этувчи бундай «зотлар» яна бошқаларни эъзирини, ўзгалар ҳисобидан бойишни, бировларнинг: «Сен, бизнинг катта оғамизсан, илгари биз ҳеч ким эмас эдик, сен бизни одам қўлдинг», деб ҳуз-шамд қилишни истайдик. Ҳусусан, Ўзбекистондан эса илгари текинга олиб чиқиб кетилган табиий бойликларни, ағонлаб мева-чеваларни қўсган қўрни. Аммо уллар, ўз нафгантини ўйлаган «интеграциялар» ҳар гагидек яна халқларнинг фикри билан ҳисоблашмаётилар. Истиқлолни қўлга киритган халқлар эса қайтиб асло қарафа киригилари йўқ. Эро, кўр хассасини бир марта йўкотади. Буннинг миёсонини биз Беларусда халқнинг ўз раҳбарига норозилик биндираганин матбуот орқали ўқиб, ойнаи жаҳон орқали кўриб турибмиз.

манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қиляпмиз ҳам. Бунинг учун яна қандайдир иттифоққа киришимизга ҳожд ёрқ. Биз алоқадор хисоб бериш учун эмас, соғиниб, дийдорлашим учун бир-биримизнинг истиқболимизга чиқадиган ҳамкорликни афзал билдимиз. «Туркисон — умумий йўнимиз» широри остида амалга ошириляётган Марказий Осиёдаги кардох мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамкорлик ана шундай алоқаларнинг намунасидир.
Ҳалқларни ўз холига қўймай, улларни гок у ёқда, гок бу ёқда хайдаш мумкин бўлган пода деб қалта ўйлаётганлар, сиёсий йўлни уюштираётганлар худонин қаршига ўчайди. Бундай сазв фикри раҳбарлар кейди-кетаведари, халқ эса манғудир. У тинч ҳаёт кеңириши, меҳнат қилиши, бола-чака бокби, орузларига етиши керек.
Биз мустабид тўғри томонидан халқнинг манфаатини ҳимоя қилувчи, унга фикр берувчи зиёлилар биринчи галда киришга ўчаганини тарихдан яқши билдимиз. Шу боис яқинда Ўзбекистон Езучилар уюшмасида ижодкорлар собиқ иттифонни тиклаш ҳақидаги фикрларга ўзларинг кескин муносабатини биндирадилар. 80 ёшдан ошган эста, адиблардан то эагидек ижод йўлига қадим қўнган ёш ижодкорларга ҳам мамлакатимиз раҳбариятининг мустақиллик ва ислохотлар йўлини ақидлик билан қўллаб-қувватлядилар.

— Инсоният тарихида ҳар бир халқ ўзига хос жиҳатлари, ўз оруз-армонлари билан ишаб келган, — дея сўз бошладылар Абдулла ака. — Халқ ҳеч қачон уруш истамаган, унинг учун аввало тиқлик-тўтулик, синга фаровонлиги, бола-чага саломатлиги мўҳим бўлиб келган. Халқ ҳеч қачон ўзига сиебист билан шуғулланмаган. У дехкон бўлса, экинни экиб, чўпон бўлса чорасини бокби, иши бўлса завод-фабрикада вазиасини адо этаверди. Утмишга назар солидиган бўлсак, айрим мустабидонларгина халқларни чалғитиб, улларни мустақиллақ санжирига солганини кўрадик.

Раҳбарият халқ фикри, орузинтилиши ифодачиси бўлиши керек. Бундай ақидчиликни биз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг собитқадамлик билан қўнган сиебистидега кўриб турибмиз. Юртбошимиз Ўзбекистон миллий ахборот макамаси — УА мухбири билан суҳбатда бундай иттифоқ, федерация ёки конфедерация тузишга даъват этаётганларга муносабат биндираган экан, сиебатин асло иқтисодийдан олдин қўймасликни жуда чиройли ифода қилди. Бундай даъватлар ўз халқига, ўз қучига ишонмаслик, ижорлик, ношудлик ҳамда ўзини галмўр қилиб қўрқатишга уринишдан ошқа нарса эмаслигини гоят турғи таъкидлядилар.

Биз ана Ўзбекистонимиз таллаган ўзига хос, ўзига мос йўлдан дадил илгарилляверамиз. Ҳеч қандай галамизларнинг харақатлари бизни истиқлол ва бунёдкорлик йўлидан чалғитолмайдۇ. Мамлакатимиз арчиқдагн ютуқлар гурўминизга гурур, қучимизга қуч қўрқамиз, эртанги порлоқ истиқболимизга қатъий ишонг ўйотамиз.
Амркула КАРИМ ёиёи олд. (У.А.)

Инсон табиатин эркин, мустақил ишаниш истайдик. Кўп ўзоқда бормай, ўзимизнинг яқин йўналишимизга назар соялидик. Мустақиллик, озодик, деб халқимизнинг не-не фарзандлари қурбон бўлиди, сарсон-саргардонликда умри кеңирмади, дейсак.

«Федерация» ёхуд «интеграция» хусусида кўп гагирлямади. Гўё тезлик билан у қандай аталишдан катий назар бир «юшма» атрофиде бирлашмасак, эр-тага ҳаммамиз қийин аҳволда қолиб кетармишимиз. Юртбошимиз УА мухбири саволларига берган жавобиде унинг сабабларини батафсил тушуниртди.

«Менимча, ўз фуқаролари ва жамоатчилигини диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл топиламанлик, истасангиз, буткул норозлик белгиляйсиз!» тарзида изохлади. Ўзбекистонга бундай йўл маъкул эмаслигини юртбошимиз ўз маъруза ва чиқаришлариде бир неча бор таъкидляди. Президентимиз УА мухбири саволларига жавоб қайтара туриб: «Бокимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини

Президентимиз юрт тақдирини, тарихийёти ҳамда фаровонлигини учун берюрга хон қўйдирмаётилар. Ўзбекистоннинг ўз танлаган тарақийёт йўли бор.

Ташки сиебатда дахлдор маълум бўлидими, ички сиебатда бокимлик қатъий қарашларда калдрлакмоқ, эъазоликмоқ керек. Мен бу фикрларни берюрга айт-манмадим. Кўп ўзоқда бормай, ай-а-рофиниладда шۇ қўнларда, йўл бераётган воқеаларга назар соялайлик. Турли «конфедерация»

бошқалар ҳамда улларнинг ре-сурслари хисобига хал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвгон шўрва ҳаммага баробар тортилядиган куюк дастурхон муҳайё этишга интиляшлар биз учун мутлақо маъкул эмас», деб ушбу масалалга яна бир бор қийдий эътибор қаратди.

Энди буғунги, ён-атрофинизда рўй бераётган воқеалар хусусида фикр-мулоҳаза юртмоқчиман. Россия Давлат думасининг қарори, Президентимиз таъкидлагандек, факат Россиянинг ўзигагина дахлдордир. Ўзбекистон эса мана беш йилки, мустақил, суверен давлат сифатида фаолият кўрсатиб келаяпти. Уни парламент тасдиқлаган, умумхалқ референдумида эса ўзбекистонликлар тўла қўллаб-қувватляган.

Манча яқинда МДҲга аъзо мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатларaro шартномалар имзоланишига тайёранайетганини ҳақда хабар тарқалди. Президентимиз УА мухбири саволларига берган жавобиде ушбу масалаларга нисбатан ўз нуктаи-назарини пухта ва мухтасар баён қилди. Шаксан мен бу муносабатини тўла қўллаб-қувватляйман.

Интеграция керек. У, айниқса, ўтиш даврини бошидан ке-чираётган давлатлар учун жуда зарурдир. Аммо... Бу ҳақда Президентимиз шундай дедилар: «Интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салохияти, ўз қучи ва имконияти-ларига сунган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш

уин қурби етгандагина, тақрор айтман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан бича манфаатдор томонлар наф кўрсатгандагина амалий натижа бериши мумкин».

Президентимиз УА мухбири саволларига берган жавобиде, интеграция жараёнини шакллантиришга асос бўла оладиган бешта асосий принцип ҳақда ҳам сўз юртди. Ва ҳатто бунинг учун «интеграциянинг ўзига эмаз, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлигини йўлида бор қуч ва имкониятларини бирлаштириш учун шарт-шароит яратидиган кооперация керек, деб таъкидляди. Бу энг мақбул ва турғи йўл, деб ўйляймиз.

Виктор ВОРОНОВ, «Фарноарзингест» бирлашмаси иккинчи нөх қўлима бошлагн.

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНING САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎГРИСИДА

«ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонаси энгил автомобилларини ишлаб чиқаришга, сотишга ва уларага сервис хизмати кўрсатишни ташкил этишга комплекс ёндашишни таъминлаш, фуқароларнинг уларни сотиб олишлари учун қулай шароитлар яратиш мақсатиде Вазирлар Маҳкамаси қарор қиляди.
1. Маълумот учун қабул қилинсинки, «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонаси бошқурали томонидан 1996 йил учун ишлаб чиқаришининг тасдиқ-режаси ва жалвали биз-несс-планга, заводнинг биринчи навбатини 1996 йил 25 мартда, иккинчи навбатини 1996 йил июлда ишта тушириш белгиланган;
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Асака» банки устав фонднинг тўловни сифатида зарур маблаглар ўтказилган.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўлов муддатни узайтирилган базис контракт бўйича «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонаси томонидан сотиб олинадиган материаллар ва бут-ловчи деталлар учун тўлов юзасидан 1996 йил 27 мартта «ДЭУ» корпорацияси-га қаролат берсин.
3. «Ўзавтосаноат» уюш-масининг «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонаси билан биргилда Асака заводида ишлаб чиқариладиган энгил автомобилларга: республика ҳудудида — «Ўзавтотехнизама» акцио-нерлик бирлашмаси корхоналарининг минтақавий шохобчалари орқали; экспорт учун — «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхона-си томонидан сервис хиз-мати кўрсатиш ва уларни сотиш шохобчаларини таш-кил этиш тўғрисидаги так-лифи маълумлансин.
(Давом 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ЗАМОН, ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОХОТ

Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ҳам муайян ўтиш даврида иқтисодиётнинг ўзига хос муаммоларига дуч келганлиги ва уларнинг ҳар бири мақбул ечим топишда турли тажрибаларни қўлланганлиги сир эмас. Бутунги кунда мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ана шундай ўтиш даврини бошидан кецирмоқда. Бу тарихий паллада мамлакатимиз ўзига хос йўлни танлаганлиги халқро мўқсада ҳам эъти-роф этилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ислохот-нинг дастлабки олдмлари танланган йўл турғи экан-лигидан далолат бермоқда. Айни пайтда амалда синланган, чет элларда қўлланилган иқтисодий юксалиш дастурларига ҳам бизда қизиқиш билан қаралмоқда. Зотан иқтисодиётимиздаги юксалиш жаҳон иқтисодий ислохотлар тажрибасини ўрганиш билан уйғун тарзда давом этади.
26 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўз ишнин бошлаган «Иқтисодий бошқару-ву ва ислохотлар» мавзу-сидаги семинар ҳам бу бо-рдаги тажрибаларни ўртоқ-лаштириш, ўрганиш, халқро тоаомил даражасида амал-иёта қўлланиш йўларини ишлашнинг ўз олдига мақ-сад қилиб қўйди.

Семинар дастури парла-ментда лойиҳи асосда иш-ляётган депутатларда ҳам, Олий Мажлисе Котибиятининг масъул ходимларида ҳам, таклиф этилган иқти-содчилар, семинарнинг бошқа иштирокчилари, шу-нингдек, журналистларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Анжуман Олий Мажлис Ракис Э. Халипов ҳамда Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколат-хонасининг раҳбари жаноб Х. Моллиеве, Жаҳон банки Иқтисодий тараққийёт ин-сти тутувининг вакили М. Толдуровларнинг кириш сўз-лари билан очилди.
Семинар тематик мавзу-ларга бўлинганлиги муайян масалала суҳбатлашиш ва баҳаланиш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини кеңайтирмоқда. Хусусан, «Иқтисодийдаги сўнгги ўз-гаринишлар ҳамда ривожла-ниш истиқболлари» мавзу-сида Жаҳон банкининг Ўз-бекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Х. Моллиеве маъруза қилди.
Иқтисодиётимиздаги туб ўзгаринишлари жадаллашти-ришда ҳамда бозор муноса-батларини ривожлантириш-да муқим ўз эгаларига то-шириш ва шу орқали тад-биркорликни ривожланти-риш муқим роль ўйнаши сир эмас. Шу боисдан ҳам семинарнинг «Хусеуиёлашти-риш ва тадбиркорлик: инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит-лар яратиш» мавзусидаги суҳбати семинар ишида янада жонлини эсади. Ўз-бекистон Республикаси Давлат мулкнин бошқариш ва тадбиркорликни қўлла-б-қувватлаш давлат қўмитаси расиснинг биринчи урин-босари Б. Угаев ҳамда Польша Бош вазир раҳ-барлигидаги хусеуиёлашти-риш кенашининг аъзоси Ю. Панковнинг маъруза-си-дан сўнг айни ана шу мав-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШЛАШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎГРИСИДА

Қимматли қоғозлар бозорининг ишлаш самарадорлигини ошириш ва уни давлат йўли билан тартибга солиш, унинг катнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсатиде:
1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳузу-ридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази ҳамда унинг жойларда Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат мулкни қўмитаси ташкиллатилган тарихий ҳудуди бўлинмалари ташкил қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назо-рат қилиш Маркази фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўна-лишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:
қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиебисатини амалга ошириш;
республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозлар чиқарилиши ва бозор қатнашчиларининг ягона реестрларини юртиши, қиммат-ли қоғозлар бозорининг структураси ва ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар банкни ташкил этиш, қимматли қоғозлар муомала-сини тартибга солиш, ҳисоб-китоб ва ҳисоботини йўлга қўйиш;
барча давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томо-нидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қўнунлар қандай бажари-ляётганини назорат қилиш ва улларнинг ижросини таъминлаш;
ўзбек ва хоржий эмитентларнинг қимматли қоғозлар чиқариш-лари ҳамда уларнинг миллий ва халқро қимматли қоғозлар бозо-рида самарали муомалада бўлиши учун зарур ҳуқуқий шарт-ша-роитларни таъминловчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи юри-дик ва жисмоний шахслар — сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилиш;
қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати ҳамда унинг катнашчи-лари тўғрисида сармоядорларни ва жамоатчиликини кенг хабардор қилиш.
3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назо-рат қилиш Марказининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва маҳаллий бошқарува органлари, ҳўжалик юри-тувчи субъектлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ва непрофессионал қатнашчилари, уларнинг бирлашмалари (уюш-малари), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хоржий дав-латларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида операцияларни амалга оширувчи фуқаролари ихро этишлари учун мажбурий ҳи-собланади;
қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назо-рат қилиш Марказининг раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва айни вақтда Ўз-бекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси расиснинг бирин-чи ўринбосари ҳисобланади;
қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назо-рат қилиш Маркази ҳузурида шикоят аризаларини қўриб чиқиш бўйича кенаш тузилади, унинг шикоят таркиби Ўзбекистон Рес-публикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитасининг, рес-публика «Тошкент» фонд биржасининг қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ноқумат агентлигини ташкил қилиш тўғрисидаги такли-фи маълумлансин.
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси қимматли қо-ғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи агентликка хусеуиёлаштиришдан тушаёт-ган маблаглар ҳисобидан 20 миллион сўм миқдорда қайтариб олинмайдиган бир йўла молиявий ёрдам берсин.
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси, Молия ва-зирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан бир-гилда бир ой мuddат ичида маъмур агентлики тузиш тўғрисидаги зарур таклифларни киритсинлар.
5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ўзбеки-стон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида бир ҳафта муд-дат ичида қарор қабул қилиб, марказининг структурасини ва унинг тўғрисидаги Ниҳомин тасдиқласин.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғоз-лар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғ-рисида» 1995 йил 7 сентябрдаги Фармонининг 1—4-бандлари ўз кўчини йўқотган деб ҳисоблансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Автомобилларни экспортга сотиш стратегиясини белгилаш ва прогнозини ишлаб чиқиш бўйича масъулият Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига юк-ланган.

билан қайта жиҳозлаш Дасту-рини бир ой муддатда қўриб чиқиш ва 1996 йилда уни амалга ошириш учун кредит ресурслари ажратсин.

наси ишлаб чиқараётган авто-мобилларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси фу-қароларига кредитлар бериш тартиби иловатга мувофиқ та-сдиқлансин.

қи иқтисодий фаолият мил-ли банкига «Асака» банки-нинг очилган филиаллари-ни техника ва асбоб-ускуна-лар билан жиҳозлашда, чет эл банклари билан корреспонде-нтлик алоқалари ўрнатишда, унинг маркази апаратини ва филиалларини малакали кадр-лар билан таъминлашда ама-лий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

нерлик бирлашмаси «Ўз-ДЭУАВТО» қўшма корхона-си билан биргаликда «ЎзДЭУА-во» қўшма корхонасининг иш-лаб чиқариш дастури учун буюртмалар портфелини ўз вақтида шакллантиришни таъминлайдиган фьючерс ко-нтрактлари асосида авто-мобиллар сотиш механизмининг икки ой муддатда ишлаб чи-қилиши ва жорий этилиши.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ТАРТИББУЗАРЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШИ ЛОЗИМ

26 март куни Вазирлар Маҳкамасида рес-публика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида Ёнгилти-энергетика ресурсларини тежас комиссиясининг мажлиси бўлиди.

сарфланишига йўл қўйилиб, 6,6 минг литр маҳ-сулот ҳисобдан чиқарилган. Исрофгарлик, айниқса, мулофатга қумаклашувчи «Ватанпар-вар» жамияти корхоналарида кўп юз берган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги қарорига ИЛОВА

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Умумий қондалар

1. Мазкур Тартиб Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодлашти-рилган «Асака» давлат-акцио-нерлик тижорат бандини таш-кил этиш тўғрисида» 1995 йил 7 ноябрдаги 424-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳам-да «Асака» банки муассасалари томонидан «ЎзДЭУАВТО» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига имтиёзли кредит-лар бериш асосларини белгила-берилади.

лаб қўрилган миқдори кўра-тилган ҳолда доимий яшаш жойидан маълумотнома, шунин-гдек, қарз олувчининг бадал-лари ҳар ойда «Асака» банкига ўтказилиши ҳақида кафолатли мажбурият;

35 фойза мавжуд бўлган тақ-дирда «Асака» банки муассаса-си харидорга (қарз олувчига) ав-томобиль нархи билан «Авто-омонат» счётига қўйилган ома-нат миқдори ўртасида фарқ суммаси тенг кредит беради.

дагидан юқори бўлса, автомо-биль нархи нарҳининг 35 фой-зига етмаётган тегишли сумма Харидор томонидан унинг «А-сака» банки муассасасидан «А-втоомонат» счётига ўтказила-ди.

Кредит ҳисобига сотиб олин-ган автомобиль техник паспо-ртда унинг кредит ҳисобига со-тиб олинганлиги тўғрисида ДАН органларида руйхатдан ўткази-лади. Белги автоқўнинг маълумотномаси ҳисобига кре-дитга сотиб олинганлиги ҳақи-да бели асосида қўйилад ва автомобиль эгаси томонидан «Асака» банки муассасаси бер-ган кредит бўйича қарзлар тў-ланганлиги ҳақидаги маълумот-нома тақдим этилганда кейин бекор қилинади.

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАРНИ ИЧКИ БОЗОРДА СОТИШ СХЕМАСИ



1. Сотувчи — «Ўзавтотех-хизмат» ва «Асака» банки ўр-тасида кредит шартномаси ту-зиш.

ПАЛАТА ИШ БОШЛАДИ

Республика Биржа марказида Ўзбекистон то-вар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар па-латаси раҳбариятини сайлашга бағишланган таъсис конференцияси бўлиди.

яққол мисоллар. Ўзбекистон тарихида илк мар-ротаба ташкил этилган, асосий мақсади махсу-лот ишлаб чиқарувчи ҳамда тадбиркорлар ман-фаатини ҳимоя қилишга қаратилган палата иқ-тисодий ҳимоя муносиб ўрни эгаллашга ишо-ни билдирилади.

БОЗОР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Вазирлар Маҳкамасида ўтаётган қишлоқ хў-жалик корхоналари раҳбарлари ва мутахассис-ларнинг семинар-кенгаши 26 март куни ўз иш-рини давом эттирди.

фаолиятини «Бизнес-режа» асосида ташкил қи-лишни тақозо этиши мисоллар асосида кўрсатиб берилади. Зеро, аниқ го ва режага асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга сифатли ва рақобатбардoshi махсулот этиштириш, уни хо-риқчи қилиш имконини беради.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

26 март куни Ташқи ишлар вазирлиги қа-буллар уйида Ўзбекистоннинг Мустақил Дав-латлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги инте-грация жараёни ривожига муносибати мавзуда брифинг бўлиб ўтди.

рим раҳбарларнинг интеграцияни чуқурла-штириш ёки турли иттифоқлар тузиш борасида-ги янгидан-янги ташаббусларига аниқ баҳо бе-риди. Мустақил давлатлар устидан барпо этила-диган ҳар қандай кўринишдаги тузилма Ўзбе-кистонга муракко бўлиб қолмаслигини таъкид-лади.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Table with exchange rates for various currencies: 1 Малайзия ринггити 14,23, 1 Германия маркаси 24,52, 1 Норвегия кронаси 5,64, 1 Поляша злотийси 14,03, 1 Португалия эскудоси 2,37, 1 Сингапур доллари 25,73, 1000 Туркия лираси 0,52, 1 Финляндия маркаси 7,88, 1 Франция франки 7,16, 1 Швейцария франки 5,47, 1 ЭКЮ 0,46, 10 Жанубий Корея вони 0,46, 10 Япония иенаси 0,41, 1000 Россия рубли 7,47, 1000 Украина карбованеци 0,19, 1000 Беларусь рубли 3,15, 1 Эстония кронаси 3,07, 1 Латвия лати 66,30, 1 Литва лити 9,05, 1 Козовистон тенгеси 0,56

Долзарб муаммо

ГАЗЕТАНИНГ 7 февраль сониди шундай сарлавха остида босилган мақолада мўмиёга тўйинган тоғ жинслари эритмасидан кимёвий ўғит ва захарли дори ўрнида фойдаланишнинг самаралари ҳуусида фикр юртмиганди. Бу соҳадаги илк тажриба ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳали чуқур ўрганилиб, ниҳоясига етказилиши зарурлиги ҳисобга олиниб, олимлар, мутахассислар, шунингдек, янгликдан хабарли бўлган ама- лиётчилар баҳс-мунозараса даъват этилганди. Шундан сўнг тахририятимизга хатлар кела бошлади. Кўйида уларнинг дастлабкиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мираҳмад АБДУЛЛАЕВ, ЎзҚХФА фалсафа кафедраси му- дири, фалсафа фанлари докто- ри, профессор:

— Президентимиз Ислам Ка- римов кўйиб-ёниб қайта-қайта таъкидлаётганидек, иқтисодий ислоҳотларни биринчи навбати- да қишлоқ ҳўжалигида тўла амалга оширишга эришилмас эканми, мамлакатимизнинг иқ- тисодий мустақиллигини, хал- қимизнинг турмуш фаровонли- гини таъминлай олмаймиз. Қишлоқ ҳўжалигини тўқатиш ис- лоҳ қилиш учун эса, аввало, экин майдонларини омиқкор- лик ва манфатдорлик билан ишлайдиган кишилар ихтиёри- га бериш, яъни ҳам бошқарув тизимини, ҳам меҳнатнинг пи- ровард натижаси — даромади тасарруф этишини бозор му- носабатларига тўла мос туша- диган усулнинг тетроқ жорий этиш зарур. Шунда селекция ишлариндан тортиб, экинларни парваришлаш ва ҳосилни ис- темольчига етказишга бўлган жараёнда халқ деҳқончилик анъаналари изга тушади. Нати- жала, ерининг унумдорлиги, экинларнинг ҳосилдорлиги оша- ди, бинобарин, ялли маҳсулот кўпаяди.

Шу нуқдан назардан олганда «Халқ сўзи» газетасидagi «Мў- миёнинг янги мўъжизаси» сар- лавхали мақолада эълон қилин- ган янглик диққатга сазовор- дир. Зеро, юртбошимиз олиму мутахассис, раҳбару деҳқон- фермердан қатъий талаб этаёт- ган зарур вазифа — пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан эртаки, мўл ва си- фатли ҳосил олишни барка- рор йўлга қўйишдир. Мақолада

баён этилишича, мўмиёга тўйинган тоғ жинслари эритма- си билан ишлов берилган ҳар қандай экин касалликка чалин- май, дуркўн ривожланиб, олат- дагидан мўл ҳосил тулар экан, бу усулни республика бўйлаб теъза оммалаш- тириш ҳар жи- ҳатдан фойда- бергани шубҳа- сиз.

Бизнингча, Ўзбекистон Рес- публикаси Фан- лар академияси- да Қишлоқ ҳў- жалик фанлари академиясининг илмий-тадқиқот институтлари бу янгликка жиддий эътибор қар- атае, олимлар ва мутахассис- лар лаборатория ва тажриба учун ажратилган экин майдонларида тадқиқот ишларини қўяйири- салар, жамоа, ширкат, ижара ҳў- жаликлари, деҳқон-фермер ҳў- жаликлари уюшмалари, ҳисса- дорлик жамоалари бу ишла хайрхоҳлик кўрсатсалар айни муддао бўлар эди. Бундан бу- тун республика қишлоқ ҳўжа- лиги катта манфат куради.

Ҳасан ХУДОЙҚУЛОВ, Урта- чирчиқ туманидаги Ким Пен Ха- номли халқ корпорацияси ҳоси- логи:
— Гарчи «Халқ сўзи» да бо- силган мақолада бизнинг кор- порациямиз номи тилга олин- маган бўлса-да, ушбу илмий- амалий тадқиқотга бевоқифа ало- қамиз бор. Гап шундаки, 1995 йили олимлар ҳўжалигимизда 400 гектар пахта майдонига таж- риба ўтказилди. Уруғли чи- гитга экин олдидан мўмиёни

тоғ жинслари эритмасидан тайёрланган суюқлик (бир гек- тар ерга етадиган чигитга 650—700 грамм ҳисобиди) пур- калди. Натижада чигит олатда- гидек 7-10 кунда эмас, 5-6 кун- да тўлиқ униб чиқди. Совуқ ва

интердан сифатли хомашё йи- гиштириб олдик. Сабаби — ҳар туп гуздаги кўсақлар сони бошқа қаргалардагига нисбатан уртача 3,5 та кўп бўлди, оғир- лиги эса 5 граммданга тўғри келди.

Пастакорлар яхши билиши- дики, «С-6524» ва «Фаргона-3» гуза навларининг ҳосили кейинги йилларга асосан ик- кинчи навга қабул қилинган экан.

Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. Чунки, корпо- рациямиз бўйича уртача ҳосил- дорлик 28 центнерданга тўғри келган бўлса, тажриба майд- онининг ҳар гектаридан 32 це-

нтнердан сифатли хомашё йи- гиштириб олдик. Сабаби — ҳар туп гуздаги кўсақлар сони бошқа қаргалардагига нисбатан уртача 3,5 та кўп бўлди, оғир- лиги эса 5 граммданга тўғри келди.

шароитларга қарши сепаля- динан захарли дориларни урга- та мўмиёни тоғ жинслари эри- тмасидан фойдаланиш юзасидан илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориб, самарали натижа- ларга эриши. Бу усул, аввало, уруғлик ва қўчатларнинг бека- то униси ва амал олишни таъминлайди. Ҳосилдорлик ур- тача 30 фоиз ошди ва экин турлариға қараб 15-20 кун бар- вақт яллиб этилади. Бунинг устига маҳсулот сарфи, эколо- гик жиҳатдан тоза ва бегубор бўлиб, истемольчиларнинг со- глини учун мулкка зарарсиз.

Иккинчидан, экин майдон- ларида тўпроқ таркиби 2-3 йил ичиди ҳар хил зарарли молда- лардан фониб бўлиб, ерининг унумдорлиги ошади. Сўғорма сувнинг 30 фоизи тежалди. Ичмык сув эса тозаланди.

Учинчидан, ҳўжалик катта иқтисодий наф кўради. Зеро, кўп йиллик тадқиқотлардан ма-

лум бўлдики, биз тавсия этаёт- ган янги усул қўлланилганда бир гектар майдонга бор-йўғи 1,5 минг сўм сарф-харажат бў- лади. Минерал ўғит ва захарли дорилар ишлатилганда эса 11 мингдан то 15 минг сўмгача маблаг сарфланади. Ҳосилдор- ликнинг ошishi, маҳсулот тоза ва сифатли бўлиши учун юқо- ри нархларда сотилишидан ке- ладиган қўшимча даромадлар- ни ҳам қўшиб ҳисобласак, деҳ- қоннинг ҳосили оқариши тай- ин эканлиги ойдинлашади.

Туртинчидан, ҳўзир нархи осмонга чиқиб кетган ўғит ва дориларни сотиб олишга ҳамма ҳўжаликларининг ҳам қурби ета- вермайди. Бунинг устига улар- ни топиш ҳам эҳтилолка анча мушкул бўлиб қолди. Мўмиё- ли тоғ жинсларининг захираси эса республика ҳудудига жуदा сароб.

Лекин, афсуски, мана шу тайёр имкониятдан кент қўла- ма фойдаланишнинг илжо бўл- маяпти. Бунинг биринчи саба- би — ҳўжаликларда маблаг йўқ. Турғирон, биз тавсия этаётган усулни қўлаш учун маблаг сарфлашга ҳўжаликларга руҳ- сат йўқ. Улар ширкатимизга 1993 йилдан бўёғи қарзларини тў- ловмайптилар. Оқибатда бир- ламчи хомашёни тайёрлаш ва уни ҳўжаликларга етказиш иш- лари тўхтаб қолди.

Иккинчи сабаби шуки, ма- ҳаллий ҳўқимилар бу хайрли ишнинг ҳиссагадига катта сама- ралар беришни янглаб етмаёт- ганликлари туфайли муаммонинг илжойи ҳал этишга бош қўш- маяптилар. Ҳолбуки, захираси етарли бўлган ва жула арзонга тушадиган мўмиёни тоғ жинс- лари эритмасидан республика қишлоқ ҳўжалигида тўла фойда- ланлса, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан катта наф кўриш шубҳасиздир.

«Халқ сўзи»нинг деҳқончилик мажмуи бўйича шарҳловчиси Абдусамал ЙўЛДОШЕВ тайёрлади.



Хатлардан сатрлар

ҲАМОН ЎША-ЎША...

Қишлоғимиз кўчалари қишда лой, ёзда эса чаң- дан кўз очиб бўлмайд. Ҳатто ёғинасидан газ қуевурлари ўтаниса қарамай, газлаштирилмаган. Ҳўжалик, туман раҳбарлари мана неча ўн йиллар- дирки Сувбулоқ қишлоғида йиғилиб қолган муаммо- лар тўғрисида бош қотирини истамайптилар. Агар туман раҳбарлари қишда қишлоғимизнинг лой кўча- ларини пиёда бир айланиб чиқшиганида эди... Балки шунда аҳвол ўнгланармиди?..

А.РАҲМОНОВ,
Яккабоғ тумани, Қизил Юлдуз жамоа ҳўжалиги.

УЧ ХОНАЛИК «МАКТАБ»

Қосонсой туманига қарашли «Дўстлик» жамоа ҳўжалигида жойлашган «Ёшлик» посёлкисига кў- чиб келганимизга оз эмас, кўп эмас 15 йил бўлди. Бу ерда жами 115 оила яшайди. Болалар 140 ўқув- чиға мўъжаллашган «ичкамгина» уч хоналик «би- но»да 2 сменда таълим олишади.

1991 йилда аввал боғча, сўнгра эса мактаб деб бошлан- ган қурилиш ўша йилнинг ўзидаёқ тақа-тақ тўхтади. Ҳо- зир йишларни ёмғир емириб, зах нуратиб ётибди...

Гапнинг индalloсини айтидиган бўлсак, мактаб, телефон, радио тармони, сув, қасобхона, маиший хизмат кўрсатиш устандалари муаммои бўйича ту- ман, вилоят ҳўқимликларига муурожаат қилдик, би- роқ натижа бўлмапти.

П.БУХОРОВ,
Наманган вилояти.

ҚУВОНЧИМИЗ УЗОҚҚА БОРМАДИ

Биз Кўй Чирчиқ туманидаги Кўрғонча қишло- гида яшаймиз. Қишлоғимизда 10 минга яқин аҳо- ли истикомат қилади. Бу ерда битта каноп заво- ди, балиқчилик ҳўжалиги ва иккита мактаб бор.

Қишлоқ аҳолисининг 50-60 фоизи эса ишсиз. Агар- да бизнинг қишлоқда ҳам кичик-кичик корхоналар очилса, улар иш билан таъминланган, бекорчиликдан содир бўлаётган ноҳуш воқеаларга ҳам барҳам берил- ган бўлармиди...

Бундан уч йил аввал қўшни Чиноз туманидан газ қуевурлари тортиб келинган эди. Қишлоқни газлаш- тириш лойиҳаси ҳам тузилди. Афсуски, қувночимиз узоққа бормасди: иш негадир бирдан тўхтатилди. Энг ачинарлиси шуки, аҳоли қишдан чиқиб учун атроф- даги даракларни қирқиб ёқди, ҳатто дала четигади тўтзорлар ҳам қолмади...

Бозорбой МУЗАФФАРОВ,
Тошкент вилояти (жамн 6 инзо).

Хисобини билмаган ҳамёндан айрилар

КЕПҚОЛИНГ! ТўРТ СЎМ

ЯҚИНДА Денов туманидаги Шоимардон Қобиллов жамоа ҳўжалиги уч тона жун сотди. Тайёрлов идораси ҳар килосини тўрт сўмдан харид қилди.

У ноёб хомашё эканлигини ҳам- ма билди. Шундай экан, неча бир кило жуннинг пулига бир кило тўз олиб бўлмаяпти? Ваҳоланки, уша уч тона жуннинг ҳар килосидан 1,5-2 минг сўм турадиган уст-бош тайёрлаш мумкин. Ҳамма бало шун- даки, Сурхондарёда бундай қишлоқ- нинг мулкго илжо йўқ-да... Бўл- маса, бир кило жун ҳам тўрт сўм бўладими?

Тождодин РАҲЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЧОДАК ПАЙПОҒИ

ЧОДАК Поп туманидаги энг чекка қишлоқлардан бири. 20 ми- надан зиёд аҳоли истикомат қила- ди. Уларни иш билан таъминлаш эса бутунги асосий муаммолардан бири бўлиб қоляпти. Ушбу маса- лани илжойи ҳал этиш мақсадига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, тикувчилик ва тў- қувчилик цехлари ташкил этилади. Сартарошхона, этикдўзлик каби маиший хизмат тармоқлари ишлаб турибди.

Яқинда қишлоқда Туркия билан ҳамкорликда тузилган қўшма кор- хона ҳам фаолият кўрсата бошла- ди. Унда тўқилаётган аркаклар пайпоғи сифати ва бежиримлиги билан хоржоникдан қолшимайди. Япониядан келтирилган замонави тўқув дастгоҳларида 5-6 дақиқида бир жуфдан пайпоқ тўқиб чиқа- рилмоқда.

Айни пайтда қўшма корхонанинг иккинчи линияси монтаж қилинди.

А.МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИЛДИРИШ

«ГАЛЛАБАНК»нинг йўқотилган кўйидаги векселлари муомалага яроқсиз деб ҳисобланади:

Қиммати	Сериялари ва тартиб рақамлари
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003567
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003568
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003569
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003570
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003571
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003572
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003573
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003574
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003575
500000 (беш юз минг) сўм.	201345 № 003576

Умумий суммаси 5000000 (беш миллион) сўм.
«Галлабанк» бошқаруви.

ФИАТБ «ГАЛЛАБАНК»нинг Навоий вилояти филиалининг юмавоқ мухри йўқотганиги сабабли ҳақиқий ҳисобланмайди.

«Наврўз» байрами ара- фасида искемликлар ҳаё- тида яна бир қувноқчи во- қеа рўй берди. Бу ерда «Муроду мақсад» фир- масининг кўнига миғлаб ис- сик нон тайёрлайдиган ки- чик корхонаси ҳамда «Ас- қар» фирма дўкони иш бошлади.

СУРАТЛАРДА: кичик корхонани очилиш мароси- ми; «Асқар» фирма дўко- ни.

А.РИСКҲЕВ (Уза)
тасвира олган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

1996 йилда «Жисмоний тарбия, спорт машғулоти ва соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва усулсисти» мутахассислиги бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантурага ҳамда докторантурага қабул эълон қилади.

АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАга ҳужжатлар 1996 йил 15 мартдан 10 сентябргача қабул қилинади.

АСПИРАНТУРАга кириш имтиҳонлари 1996 йил 16 сентябрдан 16 октябргача ўтказилади.

Маълумот учун кўйидаги манзилга муурожаат этинг:

700052, Тошкент шаҳри,
Оққўрғон (собиқ Новомосковская) кўчаси,
2-уй, 300-хона.

Телефонлар: 68-07-94, 68-08-58.

"ТУРОН" АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БИРЛАШТИРУВ БАНКИНИНГ 1996 ЙИЛ 1 ЯНВАРИГАЧА БўЛГАН БАЛАНСИ		
Моддаларнинг номи	Актив (минг сўм)	Пассив (минг сўм)
1. Низом жамгармаси	---	48870
2. Заҳира жамгармаси	---	52782
3. Махсус ва бошқа жамгармалар	---	117320
4. Хорижий нақд валюта	17785	---
5. Хорижий валютада операциялар	51760	67030
6. Пул маблағлари	5293	---
7. Ўз. Респ. МБнинг кредит захираларини тартибга солиш жамгармаси	121177	---
8. Ўз. Респ. МБдаги вакилик ҳисобварақлар	305226	---
9. Банкларaro кредитлар	66340	151000
10. Қимматли қозоғлар билан операциялар	48589	79619
11. Миջозларнинг ҳисобварақли ва бошқа ҳисоб рақамлари	---	386225
12. Берилган кредитлар шу жумладан: туланиши кечиктирилган қарзлар шулардан қарзлар учун фоизлар	13822 11605	---
13. Депозит ҳисобварақлар	---	77142
14. Фуқаролар жамгармалари	---	15315
15. Ҳисоб-китоблардаги маблағлар	78937	66755
16. Асосий маблағлар ва ҳўжалик харажатлари	192495	---
17. Бошқа дебиторлар ва кредиторлар	3281	4233
18. Келажак даврлар даромадлари	---	12029
19. Четга жалб этилган маблағлар	208195	---
20. Йиллик фойда	---	208195
Баланс	1286515	1286515

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИДА АЗИЗ БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

1996 йил 22 мартдан 31 мартгача

мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари мароқли ўттиш учун

ФУРҚАТ ЮНУСОВ ургатган йўлбарслар, шунингдек маймулар, айиқлар, кучуқлар, туялар ва бошқа ҳайвонлар интироқида раиғ-баранг дастурли аттракцион

КАТТА ЦИРК

ТОМОШАЛАРИ КўРСАТИЛАДИ.
Томоша соат 12.00 ва 15.00 бошланади.
Жамоа буюртмалари қабул қилинади.
Мактаблар буюртмаси манзилга етказиб берилади.

Тел.: 44-35-91, 44-29-04.

1995 йилда жами 345054,7 млнг сўм олинган бўлиб, банкнинг харажатлари 136859,9 минг сўмни, фойдаси эса 208194,8 минг сўмни ташкил этди.

1995 йил учун банкнинг баланси бўйича маълумотлар "Ўзбанк-аудит" АЖнинг 1996 йил 12 февралдаги № 01001/34 рақамли хати билан тасдиқланган.

Манзилимиз:
700011, Тошкент ш., Навоий кўчаси-44.
Тел.: (3712) 42-27-30. Факс: (3712) 42-28-79.



...У бир неча йилдан бери дунёда яққо ягона бир илмий тадқиқот институтининг раҳбари. Уч қайта сайловда энг кўп овоз тўпаиб, жамоанинг кийинги билан директорликка сайланганда: «Ходимлар раҳбарини меҳрибонликка қараб танлар экан», — деб уйлалган. Меҳр кўрсати олиш учун эса кишида, аввало, очкич — ҳар қандай тамадан халқ кўнгли бўлиши лозим.

Кўнгли сўрури

Унинг айнан ана шу очкич кўнглиллиги айнан аниқлашга ёрдам берди. Бунақа одамларнинг шайнинг хал қўп бўлар экан. Шогирдек фарздодий гади. Биронинг қош-қошига қараб яшаш қонидан ўтган Маматқул Жўраев кооператив уй учун ариза берган эди. Бир хуни кутилмаганда, фалон минг тўғайса реалликта қаҳда қат қилиб қолди. Қишлоққа бориб қелгунча ҳам фурсат йўқ. Кимга боради? Устога-да.

Фанимиз заҳматқошлари... таъминдан калам ҳақи тегиб қолса-ку нақа байрамнинг узи. Лекин бунинг учун инсон ўз шахсини қанчалар муҳтамамли кераклигини ҳамма ҳам тушунавермайд-да.

Олимларни кечирун уйдан — иш столдан топасиз. Бир декторлик дисертацияларини ёқдилар. Олимларни кечирун уйдан — иш столдан топасиз. Бир декторлик дисертацияларини ёқдилар.

ОДАМ НЕГА ҚЎШИҚ АЙТАДИ?



Ўтказилаётган кўрик-танлов мамлакатимиз маънавий ҳаётида тарихий босқич бўлиб қолиши шубҳасиз. У кўшиқчилик санъатида қатна равиож берса, Ватанимизнинг озодлигини, ҳурлигини чи-накам ангишида беқиёс хизмат қилади.

Нима учун инсон кўшиқ айтади? Уму-ман у кўшиққа муҳтожми? Бу саволга қисқа қилиб, ҳа, у муҳтож, чунки у шун-доқ яраган, деб жавоб бериш мумкин. Чунки у дардини кўшиқ билан тарқатади, руҳига қувватни кўшиқдан олади.



Бизнинг миллати-миз ҳам ана шундай юксак қанот кўшиқ-ларга муҳтож. Чунки энди бундай кўшиқ-ларга ҳар жиҳатдан муносибмиз. Мустабид тузум Ижодкорлардан ана шундай мўъжиза асар талаб қилинмоқда. Ўтказилаётган тадбир нафақат ҳозирги кун кўшиқчилигимиз борасида, балки унинг тарихи, умуман халқимизнинг кў-шиқ бисоти ҳақида ҳам ўйлашга ундайди.

Бугунинг гапи

Эскиси кетиб, янгиси келиб улгурмабди

ёки Тахиятош шахри кутубхоналарининг аҳоли ҳақида Ушбу шаҳар марказий кутубхона-си ва унинг жойлардаги саккизта бўлимининг бошқиб кутубхоналари со-ни 10 миңдан зиёд, 50 миңга яқин аҳоли яшайдиган чорроқчиша шаҳар учун бу катта курсаткич. Яъни бу шаҳарда ҳар бешинчи фуқаро маъ-лум бир кутубхонанинг расмий киб-тобхона ҳисобланади. Улар 172 ми-нг донадан зиёд китобдан фойдала-нишлари мумкин.

Бир аср яшаётган кишилар

УМРИНГИЗГА УМР ҚЎШИЛСИН



Фаргона вилоятининг Ёзбон туманидаги Тақалик қишлоғида яшовчи Мирзамахмад бобо Бекмуродов оз би-ринчи баҳорини қарши олапти. — Ота авлодини тўрттасини бил-ман, — дейди Мирзамахмад бобо.

Тахиятош — кўп миллатли шаҳар. Жамоат кутубхона-ларидаги китоб жамғармалари асосан ўзбек, қозоқ, рус, қор-қалпоқ тилидаги китоблардан иборат. Марказий кутубхона ва унинг жойлардаги бўлимларида шу тиллардаги китоб-лардан иборат алоҳида бўлимлар ташкил этилган. Булар яхши, лекин мазкур кутубхоналар ишани кўриб қалати бир ҳолатга тушиб қолиш мумкин. Одатда, бундай ҳолат кишида қиш хали туғаб улгурмаган, баҳор хали тулик намоён бўл-маган оралик кунларда пайдо бўлади. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Китоб жамғаримларида эндигина нақддан чиққан янги сиёсий адабиётлар, комюсаримиз ва қончиларимиз ту-планган жиллар, муқтақиллик шарофати билан тарихий сиймоларимизга бағишланган ва уларнинг ўзлари битган асарлар қўйилганини кўриб муқтақиллик нафасини тўясиз. Иккинчи томондан, улар ёнида собиқ шўро мафқурасининг асосчилари ва дохийлари, уларнинг маддоҳлари томонидан битилган қатор китобларнинг, коммунистик фирка тарихи ҳамда унинг сўзсиздари, дахрийлик руҳида ёзилган рисола-ларнинг турганига кўзимиз тушди. Бунини қандай тушуноқ керак?

UZDUNROBITA cellular advertisement. Features a mobile phone image and text: 'ЎЗДУНРОБИТА' Ўзбек-Америка қўшма корхонаси. Андижонда ташкил этилаётган филиалига ишга қабул этиш учун конкурс эълон қилади.

KORXONA TAVSIYA ETADI advertisement. Text: 'Умумдорлиги соатида 150 кг, қуввати 7 квт, ҳажми 2,35; 1,85; 3,5 метр бўлган кичик тегири-монлар сотилади. Омбордан буюртма бўйича ва нақд пулга ҳам харид қилиш мумкин: — 0,12 квт. дан 1600 квт.гача турдаги элект-родиопетелларнинг ҳар хил кабел ва симлари. — Саноат жиҳозлари сотиб олинади ва соти-лади. Тел: 68-58-56. факс 68-731-40.

TINE'96 advertisement. Text: '1996 йил 1-4 апрель кунлари' 'СОЕЛИКНИ САҚЛАШ - 96'

Advertisement for medicine/health. Text: 'Иккинчи халқаро тиббиёт кўрғазмасига Сизларни лутфан таклиф этамиз. Кўрғазмага жаҳондаги 150 дан зиёд етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари ҳамда фармацевтика маҳсулотлари кўйилади. Кўрғазманинг тантанали очилиш маросими 1 апрель куни соат 12 да бўлади. Кўрғазманинг иш соатлари: 1 апрель - 14.00-18.00 3 апрель - 10.00-18.00 2 апрель - 10.00-18.00 4 апрель - 10.00-18.00 Бизнинг манзил: Тошкент ш., Амир Темуր кўчаси, 107, "Ўзэкспомарказ" (собиқ ХХЮК). Сизни кўрғазмамизда кўришдан гоят мамнун бўламиз! Ўзбекистон Фанлар академияси Электроника инсти-туту ходимлари катта илмий ходим, техника фанлари номзоиди Шокирқўжа Омоновга акаси Шукруқўжа ОМОНОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик ва оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Footer advertisement for 'Халқ Сўзи Народное Слово'. Includes contact info: 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси'. 'Бош муҳаррир: Анвар ЖҲРАБОЕВ.' 'БўЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавийат 36-35-60; Туғли муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25.'